

Зулфияхоним таваллудига бағишланади...

Бундан юз йил муқаддам ҳаётбахш кўкламнинг илк кунда севимли шоирамиз, муҳаббат ва ҳаёт куйчиси Зулфияхоним таваллуд топди. Муҳтарам Президентимиз 1995 йилнинг 1 март кунда Зулфияхонимнинг 80 ёшга тўлиши муносабати билан йўллаган кутловида шундай самимий сўзлар бор эди: "Сиз замонамизнинг забардаст шоираси ва жамоат арбоби сифатида Ўзбекистоннинг жарангдор овози бўлдингиз. Йирик жаҳон минбарларида янграган шеърларингиз Шарқ аёлининг ақл-заковати, фазлу камолидан ноёб нишондир. Ҳаёт сизни ҳар доим ҳам аягани йўқ, аслида бу ёруғ дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби ҳамманинг ҳам бошида бор. Доимо ғам-андуҳни матонат билан маҳв этган, армонларидан тирик орзулар ярата олган, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо рамзига айланган сиз каби аёллар жуда кам топилади".

Ҳа, Зулфияхоним том маънода Ўзбекистоннинг жарангдор овози бўлди. Унинг шеърояти кўплаб юракларнинг мул-

кига ва қалб ардоғига айланди.

Зулфия ва Ҳамид Олимжон жуфтлиги... Улар узукка кўз қўйгандек бир-бирига муносиб ва бир-биридан гўзал инсонлар эди. 1944 йил 2 июль куни Дўрмон қишлоғида рўй берган автоҳалокат туфайли Ҳамид Олимжон дунёдан эрта кўз юмди. Севимли ёридан жудо бўлиш дардини шоира умрининг шом палласида ёзилган "Хотирам синиклари"да шундай ёритади:

**Бахт қасримга кириб, мени топди дард,
Уруш, ёзда ёққан қор каби ўлим.
Ўттизга етмаёқ сочим қор ялаб,
Кўз ёшим сойига тўкилди гулим...**

Жудоликнинг оғир аламлари, ҳижроннинг ниҳоясиз дард-у азоблари шеърлариға кўчди:

**Кўз очгани кўймайди бу ғам,
Бошим қўйсам куйдирар болиш.
Юпатолмас китоб ва қалам,
Мисраларим кўтарар нолиш.**



ZULFIYAXONIM
tavalludining 100 - yiliga
bag'ishlanadi

Зулфияхоним миллатимиз аёлларини янада улғулашга замин яратди. Уларнинг орзулари, қалб тугёнларини қоғозга муҳрлади. Зулфияхоним ўзбек қизларининг севимли бувижониси, ўзбек аёлларининг қадрдон дардкаши бўла олди. Зулфияхоним бош муҳаррир бўлиб фаолият юритган "Саодат" журнали кўпчилиكنинг ҳақиқий сирдошига айланди. Қалбимдаги орзуларимдан яна бири, Зулфияхоним мукофотиға эришиш ва жамиятимизда аёллар ўрнини янада мустаҳкамлаш, эзгу мақсадлар, пок орзулар билан жамиятимиз тараққиётиға ватандошим Зулфияхонимдек ўз ҳиссамни қўшишдан иборат.

Гулноза ШОМАНСУРОВА,
ТТА Тиббий профилактика
факультети 103-“А” гуруҳи талабаси

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Профессор:

Даволаш факультетиға қарашли "УАШ тайёрлаш ва эндокринология" кафедраси

Доцент:

ОМХ факультетиға қарашли "Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш" кафедраси

Катта ўқитувчилар:

Даволаш факультетиға қарашли УАШ тайёрлаш ва эндокринология" кафедраси

Даволаш факультетиға қарашли "Умумий ва болалар жарроҳлиги" кафедраси

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимиға топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

Ассистентлар:

Даволаш факультетиға қарашли "УАШ тайёрлаш эндокринология" кафедраси

Даволаш факультетиға қарашли "УАШ акушерлик ва гинекология" кафедраси

Даволаш факультетиға қарашли "Ички касалликлар пропедевтикаси, гематология ХДТ ва лаборатория иши" кафедраси

Тиббий педагогика факультетиға қарашли "Анатомия ва ОЖТА" кафедраси

Тиббий профилактика факультетиға қарашли "Тери-таносил" кафедраси

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси урология кафедраси ассистенти Ходжиметов Таир Аббосовичға падари бузруквори
Ходжиметов Аббос ҚОДИРОВИЧнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova.

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiya RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir

Gazeta bepul tarqatiladi

Topshirish vaqti: 14.00



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 3 2015 YIL MART

ХУШ КЕЛДИНГ, НАВРЎЗ!

Шу кунларда атрофда ажиб манзара-лар барқ уриб, табиат уйғонмоқда. Баҳор ҳавосидан қалбларға тароват, илиқлик югурмоқда. Она диёримизда фасллар келинчаги баҳор шукуҳи кезмоқда, табиат уйғонмоқда. Қиш эринчоқлик билан ўз ўрнини баҳорга бўшатиб бермоқда, кечагина оппоқ гуллаган ўрик дарахтлари гулини қалин қор қоплаган бўлсада бу кун саҳий қуёш она заминимизга ўзининг иссиқ нурларини таратиб, майсаларни эркалаб, майин шамолини эстириб биз соғинган, интиқиб кутган баҳор кириб келмоқда.

Озод ва обод Ватанимиз ҳур Ўзбекистонимизга Наврўзи олам кириб келди! Янгиланиш, яшариш фасли бўлмиш шукуҳли бу кунларда юртимизда – Наврўз умумхалқ байрами кенг нишонланади. Асрлар тарихига эга бу байрам томошаларида халқимизнинг қадимий урф-одатлари, миллий анъаналаримиз, турфа маросимлар намоиш этилади, қайта тикланиб, янгича тус олади. Наврўз байрамининг қадим тарихи, миллий қадриятларимиз билан боғлиқ жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, мутахассисларнинг фикрича, бу байрамнинг тарихи қарийб 4-4,5 минг йиллик, деган тахминлар мавжуд.

Наврўз асосан баҳорий тенг кунлик 21-22 мартдан бошлаб нишонланган ва бир ҳафта, ўн кун, ҳатто, баъзи жойларда бир ойгача давом этган байрам. Наврўз байрами — бу деҳқон, чўпон, ҳунарманд, қўйинги, ҳаммамизнинг ҳақиқий умумхалқ байрамимиздир. Тарихда Наврўзга муносабат доимо бир хил бўлиб келмаган. Турли даврларда Наврўз байрамига у ё бу даражада аралашувлар бўлган. Масалан, собиқ иттифоқ даврида Наврўзни байрам сифатида нишонлаш тақиқлаб қўйилган. Шу боис, Мустақилликкача Наврўз умумхалқ байрами эмас, балки жуда тор доирада, оилавий шароитда байрам сифатида нишонланарди. Ҳатто Наврўз байрамини Навбаҳор байрамига алмаштириш керак, қабилдаги таклифлар олға сурилган.

Давоми 2-бетда.

БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Уйғониш ва янгиланиш, қут-барака элчиси
Наврўзи айём шукуҳидан диллар яйрамоқда. Тинч
ва осойишта юртимизга тўй-томошалар, байрам-лар ярашади.**

**Мамлакатимизда Наврўз қадриятлари билан
жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб
эълон қилинишида ҳам ўзгача узвийлик мужассам.
Айтиш жоизки, Наврўз ўзаро қадр-қиммат, хайру
саховат, меҳр-оқибат тимсолидир.**


**Эзгулик, саховатга йўғрилган уйғониш, яша-риш айёми бу йил дилларимизни яна қувончу
шодликка чулғади. Наврўз халқимизни тинчлик,
баҳамжиҳатлик, хайру саховатга чорламоқда.**

**Ҳурматли ўқитувчи-профессорлар, талаба-ёш-лар!
Сизларни мана шу гўзал, тароватли Наврўз айёми билан чин дилдан қутлаймиз. Сизларга
аввало соғлиқ-омонлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик,
бахт-саодат тилаймиз. Илмий изланишларингиз ва ўқишларингизда омад ёр бўлсин.
Наврўзи оламнинг ҳаётбахш нур-зиёси қалбингизни поклаб, нурафшон айласин.**

Ректорат



**Деҳқон — экиннинг ёнига орзу ҳам
қўшиб эккан.**



ХУШ КЕЛДИНГ, НАВРЎЗ!



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шунингдек, Наврўз байрами ўтадиган март ойининг учинчи якшанбасида хотира кунини нишонлаш қонунлаштириб қўйилди. Бу эса собиқ коммунистлар мафкурасининг Наврўз байрамини умуман йўқотишга бўлган хатти-ҳаракатлари эди.

Президентимизнинг 1990 йил 3 майдаги Фармони асосида 21 март — юртимизда Наврўз умумхалқ байрами ва дам олиш кuni, деб эълон қилинди. Наврўз ҳақидаги маъмур Фармон бу кунни эркин, умумхалқ байрами сифатида нишонлаш имконини яратди. Президентимиз Ислон Каримовнинг Фармони ниҳоятда катта, ҳам маданий-маънавий, ҳам тарихий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳодиса бўлди. Ва шу билан бирга Наврўз умумжаҳон байрами сифатида тан олинди. 2009 йилда ЮНЕСКО томонидан Наврўз инсониятнинг номоддий маданият мероси рўйхатига киритилди. Бу фахрли ҳодиса юртимизда Президентимиз раҳнамолигида халқимиз маданий-

маърифий меросига қаратилаётган юксак эътибор нишонасидир.

Дарҳақиқат, Наврўз байрами элимизда ободлик, тинчлик-тоувлик, миллатлараро аҳиллик, бағрикенглик рамзи, қалбларимизда эзгулик уйғотадиган ҳақиқий шарқона байрамдир. 1990 йилдан буён Наврўз юртимизда ҳар йили ўзгача кўтаринкилик, шукуҳ, шодиёналик ва тантана билан нишонланади. Юртимизнинг турли ҳудудларида Наврўз ҳам умумий, ҳам ўзига хос ва бетакрор тарзда байрам қилинади. Байрамнинг умумий хусусиятлари Наврўзолди тадбирлар — кўча-кўй, маҳаллалар, гузарлар, зиёратгоҳларнинг ободонлаштирилиши, тартибга келтирилиши, умумхалқ ҳашарларининг ўтказилиши, хайрия ишлари, беморлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган кишиларга ёрдам кўлини чўзиш каби эзгу ишлар билан боғлиқ.


Ўқув юртимизда ҳам байрам тантаналарига тайёргарлик ишлари, Наврўзолди тадбирлари кенг кўламда ўтказилиши аллақачоноқ бошлаб

юборилган. Академия ҳудудига орасталик, файз бахш этиш ниятида ҳашарлар уюштирилиб кўчалар тартибга солинди, ариқ-зовурлар тозаланди, дарахтларга шакл берилиб, оқланди, янги кўчатлар ўтқазилди. Барча факультет талабалар турар жойларида катта дошқозонларда Наврўзнинг “шоҳона” таоми бўлмиш сумалар қилиб тайёрланди, сумалар сайли ўтказилди.

Қозон атрофига йиғилган ёш талаба йигит-қизларимизнинг ҳазил мутуйибалари, ўйин-кулгилари, қўшиқ ва лапарлари оламни тутди, барчага завқ-шавқ бағишлади.

2015 йилнинг Наврўзини кутиб олар эканмиз, барчамиз баҳор айёми, табиат уйғонишининг ёшлик фасли билан нақадар узвий ва чамбарчас боғланиб кетганини юракдан ҳис этамиз. Ана шундай улуг айём олдидан барчамизга Наврўзи олам муборак бўлсин! Юртимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!

Л.Қ.АБДУҚОДИРОВА,
ТТА хотин-қизлар
кенгаши раиси,
доцент



МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

Наврўз айёми муносабати билан ўтказиладиган кураш, улоқ-кўпқари, арқон тортиш, от чоптириш, мерганлик сингари миллий спорт ўйинларининг завқли бўлакча. Бу ўйинлар қадимдан аجدодларимиз турмуш тарзининг ажралмас қисми, ёш авлодни жисмонан чиниктириш, саломатлигини, иродасини мустаҳкамлаш, уларда орномус, ҳалоллик, мардлик, ватанпарварлик, бағрикенглик каби олижаноб фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этган.

Удумга кўра, курашни аввал нуроний боболар бошлаб берган, даврага файз киритиб, ёшларни курашга ундаган. Сўнг ёш болалар гиламга чиқарилган. Бу аждодлардан мерос қадриятлар асраб-авайлашини намоён этган.

Наврўзда инсон табиат билан уйғун бўлиб яшашга, ён-атрофдаги одамларга, оиласи, дўстларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳурмат-эътибор, меҳр-оқибат кўрсатишга, бориин улар билан баҳам кўришга талпинади.

Наврўз ва миллий спорт ўйинларимиз замирида эзгулик, ўзига хос уйғунлик ва ҳамоҳанглик мужассам. Яъни Наврўз меҳр-оқибатдан сўйлайди, миллий спорт ўйинларимиз ёш авлодни мардлик ва жасурлик, ҳалолликка ундайди. Бу анъана ва қадриятлар истиқлол йилларида мазмунан янада бойиди.

Бугунги кунда бир юз йигирмадан зиёд мамлакатда кураш федерациялари фаолият юритмоқда. Кураш халқаро ассоциацияси ҳамда унга аъзо Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания кураш конфедерациялари томонидан маъмур спорт тури бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар юқори савияда ташкил этилаётир. Дунёда миллий қадриятимиз бўлган кураш спортига катта қизиқиш билдираётган, уни ўрганишга астойдил интилаётган спортчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

О. ШАРИПОВА,
Т.Ф.Н. доцент

Ҳаммамизга маълумки, мустақиллик бизга ўз эркимизни, миллий урф-одатларимизни қайта тиклаш имконини берди. Энди аждодларимиз бизга қолдирган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимизни мустаҳкамлаш бизнинг маънавиятимизга боғлиқ. Биз бой маданий меросимизни, тарихий қадриятларимизни, юксак маънавий фазилатларни, урф-одатларимизни, донишмандларнинг асрлар давомида инсон ва унинг табиатини кузатиш, ўрганиш натижасида орттирган бой тажрибаларини ўрганишимиз ва ёш авлод тарбиясига синдиришимиз лозим. Шу боис, Президентимиз И.А.Каримов “Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол насли тарбиялашга интилиш — бизнинг миллий хусусиятимиздир” деб доимо таъкидлайдилар.

Тиббий педагоглар талаба шахсини тарбиялашда уларнинг ахлоқини тарбиялашга алоҳида аҳамият беришлари лозимдир. Ахлоқ маданияти — инсон маданиятининг таркибий ва ажралмас қисмидир.

Мамлакатимизда турли жабҳаларда олға силжиш билан бир қаторда ёшларимизнинг кийинишида ҳам ғарб услуби акс этишни бошлади, лекин миллий урф-одатларимиз, кийиниш услубимизни ҳисобга олиб, меъёрдан чиқмаган ҳолда замонавийлик билан миллий анъаналарни уйғунлаштириб кийиниш мақсадга мувофиқдир.

Чунки кундан-кунга айрим ёшларимизнинг кийимлари миллий маданиятимиз, анъаналаримизга, урф-одатларимизга мос эмаслигининг гувоҳи бўлаётган. Биз кийиниш борасидаги тараққиётга асло қарши эмасмиз. Лекин кийиниш ҳам миллий мафкураимизнинг ажралмас бир бўлаги эканлигини унуттишга ҳаққимиз йўқ.

Агар инсон ўз уйида юрган бўлса, унинг қандай кийиниши ўзининг шахсий иши, кўча-кўйда қандай кийиниб юриши эса — бу ижтимоий, маънавий масаладир. Аммо доноларимиз: Кийиниш эркинлиги — бу опий қадрият, бироқ ахлоқ доирасидан четга чиқадиган ҳар қандай эркинлик — ахлоқсизликдир», дейишган. Шахс либоси орқали атрофдагиларга ўзи ҳақида таассурот қолдиради. Ўзбек миллатида ўзига хос «хаё» тушунчаси бор, «Хаё — бу одамийликнинг ўзаги» дейишади. Ахир кўчага отланиб чиқиб кетаётган фарзандини қандай кийим кийиб остона ҳатлаб чиқаётганлигини ота-она кўрмайдими? Бу борада, ёзувчи Мирзакалон Исмоилий «Сен ҳар қанча яسانيб-тусанмагин, ҳар қанча бўянмагин, турли-туман тақинчоқлар тақмагин, барибир инсоний фазилатинг бўлмаса — сен хунуксан, сен жирканчсан, сен маънавий ногиронсан! Билиб қўй, сенга инсон ҳуснини берадиган, номингни бедоғ сақлайдиган нарса, юзингга суртган бўёқлар, қуюшқондан чиқиб кетган бачкана кийимлар, турли зебу зийнатлар эмас, йўқ асло, булар эмас! Сенга бу ҳуснни чиройли одоб, ахлоқ, маданият, яхши фазилат беради» — деган эди.

Биз катталар янглишиб, кўр-кўрона бошқаларга тақлид қилиб, очик-сочик кийинган ёшларимизга дўстона фикр айтсак бўлмайди? Қизларимизнинг очик-сочик кийиниб юришлари

нафақат маънавият масаласи, балки миллат генофонига ҳам таъсири бор, ижтимоий масала ҳамдир. Жинслараро муносабатларни ўрганувчи мутахассислар (сексопатологлар) фикрича, қизларимизнинг бундай кийиниб юришлари уларга нигоҳ солган йигитларимизнинг жисмоний саломатликлари, таъсирчанликлари зарар етказар экан.



Натижада янги турмуш қурган айрим оилаларда нохуш ҳоллар кузатилиб, айрим оилавий муносабатларнинг бузилишига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Енгил-елпи, ярим-яланғоч либос (тор, тиззаси йиртиқ шимлар, калта қўйлақлар, «антика» кийимлар — турли суратлар, ажнабий ёзувлар акс этган футболкалар) кийиб ҳар бир хатти-ҳаракатларида кимнинг авлодлари эканлигини, аждодлари маданият борасида жаҳон тамаддунига қандай ҳисса қўшганини унутмаслик керак. Ўз навбатида ёшларимизнинг бундай тақлидчанлик билан кийинишлари уларнинг саломатликлари ҳам жиддий таъсир қилар экан. Масалан: тор шим — оёқлар ва чанок

Ёшларимизнинг кийиниш маданияти ва гигиенаси



ғўзаллик — бу табиат ато қилган ҳусн-жамолдан ташқари энг яхши хулқ-атворини, энг яхши инсоний фазилатларини ўзида мужассамлаштирган одамийликдан ҳам иборатдир. Психологларнинг аниқлашича, одамларнинг кийиниш маданиятига қараб унинг жинси, ёши, миллати, касби, ижтимоий мавқеи, молиявий аҳволи, қадриятлари, дунёқараши, дид ва фаросати, темперамент ва характери, қизиқиш ва эҳтиёжлари ҳақида хулоса чиқариш мумкин экан. Шу боис неча асрлар давомида ҳар қандай таъйиқлар остида бўлса ҳам асраб келинган миллий қадриятларимиз, ахлоқ-одобимиз, шарм-ҳаёимизнинг софлиги учун курашишга барчамиз ҳаракат қилмоғимиз лозим. Бу масалада лоқайдлик қилиб бўлмайди. Хуллас, ёшларнинг кийиниш маданияти борасида тез-тез давра суҳбатлари ўтказиб, улар онгига миллий кийиниш маданиятимизни қадрлашимиз, авайлаб-асрашимиз ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз эканлигини чуқурроқ англашимиз зарур.

С.Р.БАЙМАКОВ,
ПКҚТ ва УМОТМ директори, доцент
Л.Т.ҲИДОЯТОВА,
катта ўқитувчи
Х.С.АБДУРАЗЗОҚОВ,
бўлим бошлиғи



ҚАРИСИНИ ҚАДРЛАГАН ЭЛНИНГ КЕЛАЖАГИ БЎЛАДИ

“Аждодлар ҳурматини чин қалбдан бажо келтирувчи киши — энг бахтли инсондир”.

Иоганн ГЁТЕ, олмон шоири ва файласуфи.

Бошни фидо айла ато қошига, Жисмни қил садқа ано бошига

деган эди калом илмининг султони ҳазрат Мир Алишер Навоий.

Ота-онани қадрлаш, эъзозлаш азалдан миллий қадриятларимиздан бири ва энг муқаддаси бўлиб келган. Мухтарам пайғамбаримиз ҳам “Жаннат оналар оёғи тагидадир” деб мана шу қадриятни илоҳий даражага кўтарганлар. Дарҳақиқат, нурли манзилларнинг ҳаммасига мана шу муборақ ҳилқат тавофи орқали ўтилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов томонидан 2015 йилнинг “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилиниши барча юртдошларимизнинг қувончига ва сурурига сабаб бўлди. Зеро, азалдан “Кичикларга иззатда, кексаларга хизматда” бўлишга одатланиб, шу руҳда тарбия кўрган юртдошларимиз қалбиди миллий маънавиятга, азалий удумларга, мозий қадриятларига, ота-оналар, ака-опалар, бобо-момоларга нисбатан алоҳида эҳтиром, ўзига хос меҳр, самимий муносабат туйғулари мавжуд.

Диёримизда кексалар ва фахрийларнинг саломатлиги, сихатлиги ва шодмонлиги учун хизмат қиладиган кўплаб сихаттоҳлар, қайта тиклаш тиббий марказларининг очилиши, кексалик нафақаларининг ўз вақтида етказиб берилиши, ёши қайтган одамларга, ногиронлашиб ёки хасталаниб қолганларга кўрсатилаётган бепул тиббий ёрдам, енгилликларнинг ҳаммаси уларнинг розиликларига сабаб бўлмоқда. Қайси вилоят ёки туманга борманг, кекса бобо-момоларимиз қўлларини кўкка кўтариб, мухтарам Юртбошимизни дуо қиладиганлигига кўзингиз тушади, беихтиёр шу юртда туғилиб ўсганингиздан сурурга келиб, юрагингизда енгиллик, тилингизга эса шукроналиклар келади.

Юртимизда кечаётган бундай хайрли ишларга ҳамма ўзининг муносиб ҳиссасини, улушини қўшгиси келади. Бу йўлда янгиликлар ва ислохотлар ўтказгиси келади. Ана шундай савобли ишга Тошкент Тиббиёт академиясининг 2-клиникаси жамоаси ҳам ўз ҳолисона ҳиссасини йил бошидан буён қўшиб келмоқда.

“Мухтарам Юртбошимизнинг бундай ташаббус билан чиққанлиги ҳаммамизни тўлқинлантириб юборди”, — дейди клиниканинг бош шифокори тиббиёт фанлари номзоди Ёрқин Йўлдошев. “Шу боисдан ҳам биз йилнинг бошидан буён мухтарам қарияларимизнинг саломатлигини тиклаш

ва муҳофаза қилиш борасида бир қанча тадбирлар ўтказиб келдик ва келмоқдамиз. Бу бизга фақат жорий йилдагина эмас, балки келажак йилларимиз учун ҳам хайру саховатга, меҳр-мурувватга тўла бир удум бўлиб қолади, деб умид билдираман”.

Бош шифокорнинг шахсий ташаббуси билан яқинда Олмазор тумани, Чуқурсой даҳасига тегишли Гулзор маҳалласи онахонлари ва отахонларини Тошкент Тиббиёт академиясининг 2-клиникасида саломатликларини текшириш ва даволаш борасида кенг қўламли тадбирлар ўтказилди. Эрта-лабдан маҳалланинг қариялари мазкур клиника ҳудудига, мутахассислар қабулига кела бошлашди. Клиниканинг кўз касалликлари, қулоқ-томоқ-бурун, асаб касалликлари, травматолог, юрак-қон томир жарроҳи, кардиология, жарроҳлик, ортопедия, ультратовуш, доплерография, ЭКГ бўйича клиниканинг энг кўзга кўринган мутахассислари, олий тоифали шифокорлар, Тошкент Тиббиёт академиясининг етакчи доцентлари, профессорлари, академиклари мазкур тадбирларда иштирок этиб хайрли тадбирга ўз ҳолисона ҳиссаларини қўшдилар.

Беморларнинг ҳаракатланиши қийин бўлган тоифаларини клиникага келтириш ва уйларига олиб бориб қўйиш ҳам клиника маъмуриятининг зиммасида бўлди, беморларнинг мазкур тоифаси учун махсус транспорт воситалари, аравачалар ажратилди. Уларнинг ҳаммаси бепул текширишлардан ўтказилиб, дори-дармон, зарурият туғилганларига эса стационарда бепул даволанишлари учун ўринлар ажратилди. Мутлақо ўринларидан қўзғала олмай, ётоқ режимига тушиб қолган ногирон ва кексаларнинг уйларига, махсус аппаратуралар ва лабораториялар билан бирга малякали мутахассислар юборилди. Қисқаси, мазкур маҳаллада тиббий қамровга кирмаган бирорта қария қолмади, ҳисоб.

Юртимиздаги инсонларварлик ва саховатдан шодмонлиги чехрасидан билиниб турган нуроний онахонни суҳбатга тортамиз.

— Мен мазкур манзилгоҳда истиқомат қилиб келаётган, 1944 йилда таваллуд топган Раҳмонова Меҳринисо бўламан, — дейди онахон ширин табассум билан. “Етмиш бир ёшга кирдим. Бир неча ойдан буён юришга қўйналиб қолганман, бунинг устига қон босимим ҳам ўйнайдиган бўлиб қолган... Минг шукурки, бугун мени иззат-ҳурмат билан бу илм даргоҳига келтиришиб, мутахассис болаларим тўлиқ текширишлардан ўтказдилар ва касаллигимни аниқлаб, бепул даволаниш учун ўрин ҳам ажратиб бердилар. Уларнинг ҳаммаси ширинсўз, ўз касбининг усталари, самимий инсонлардир. Мен ана шундай олижанобликлар амалга оширилаётган, ўз кексаларини ардоқлаб

юрадиган юртнинг фуқароси эканлигимдан ҳамма вақт мамнун бўлиб юраман. Ушбу саховатнинг бошида турган мухтарам Юртбошимизнинг ҳам Аллоҳ умрларини узун қилсин!”

Қўли-қўлига тегмай мўйсафидларимизга тиббий хизмат кўрсатаётган тиббиёт ходимларидан миннатдор бўлаётган қарияларнинг чеки йўқ. Яна бир отахондан фикр оламиз.

— Мен ҳам ўша маҳалла фуқароси, 1935 йилда туғилган Абдусаматов Раҳматулла бўламан, — дейди отахон. — “Ёшим саксонда бўлса-да, кексаликка таслим бўлгим йўқ. Аммо, барибир ёш улғайгани сайин тез-тез тиббий кўриқдан ўтиб, зарурий муолажаларни олиб юриш лозим. “Аллоҳ ҳам “Сақлансанг — сақлайман” деб бежиз айтмаган. Президентимизнинг биз қарияларга кўрсатаётган эъзози ва ҳурматининг чеки йўқ. Бугунги тадбир ҳам ана шундай саховатли ишлардан бири бўлди. Мен ҳам 10 дан ортиқ мутахассисларнинг кўригидан ўтиб, тегишли маслаҳат ва даволарни олишга муваффақ бўлдим. Вужудим ва руҳиятимдаги ўзгаришлардан воқиф бўлдим”.

Айнан шундай миннатдорчилик туйғуларини маҳалла фуқароларидан Рихсвий ака Султонов ва Хурсанд ака Аҳадовлар ҳам билдирдилар.

— Ушбу тадбиримиз биз мўлжаллаб турган саховатли ишларнинг дебочаси холос, — дейди бош шифокор сўзида давом этиб. “Ҳали хайру саховат борасида мўлжаллаб қўйган ишларимизнинг чеки йўқ. Бундай тадбирларни илҳом борица тез-тез, ҳудудимизга тегишли барча маҳалла қариялари билан ўтказиб туришни удум тусига киритмоқчимиз. Яъниким, Кексаларни эъзозлаш йили ўтиб кетгандан кейин ҳам биз бундай тадбирларни ўтказиб, муқаддас онахонларимиз ва отахонларимизнинг дуоларини олиб туриш ниятидамиз”.

“Яхшилиқни чехраси очиқ одамлардан изланг” деб Расулulloҳ бежиз айтмаганлар. Эл-юрт фаровонлиги, аҳоли саломатлиги йўлида ҳормай-толмай хизмат қиладиган Тошкент Тиббиёт академиясининг шифокор олимлари, 2-клиниканинг етакчи мутахассислари очиқ чехраларига ва самимий мулоқотларига қараб, уларнинг ҳақиқатан ҳам яхшилик уруғларини сочувчи деҳқонларга ўхшатасан, киши.

Кутбиддин НИЗОМОВ,
“Тиббиётнома” бош муҳаррири
ўринбосари, соғлиқни сақлаш аълочиси
Алижон ЗОҲИДИЙ,
Республика Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, тиббиёт фанлари номзоди

НАВРЎЗ САДОСИ

Атроф кийган яшил тўнини,
Сезмоқдамиз баҳор исини.
Наврўз келар, шодликни олиб,
Ёшлик ҳисси, босар кўнгилни.

Сумалаклар қайнар шовуллаб,
Шўх тарона, ҳар ён жаранглаб.
Келди бугун, Наврўзи олам,
Дарак берар, булбуллар сайраб.

Боғлар яшнар, очилиб гуллар,
Қуёш тиғи жонни эркалар.
Ҳеч бир юртда бундай келмайди,
Бизда баҳор шундайин келар.

Омон бўлсин, Юртбошим ҳар он,
Ҳавасдадур бутун эл жаҳон.
Наврўз келар, аста юртимга,
Жар солмоқда, оламга Даврон.

Бу барчаси, тинчлик меваси,
Бу барчаси, элнинг дуоси.
Бугун мана, юртимни тутди,
Ўзал байрам, Наврўз садоси!

Давронбек УРУНОВ Давлатали
ўғли,
Тошкент Тиббиёт академияси
даволаш факультети 207-гуруҳ
талабаси

Юртимиз дурдоналари

Ассалому алайкум, азиз ўқувчилар! Мана, кумуш қиш ҳам аста-секинлик билан аёзли кунларини узоклаштириб, ўрини фасллар келинчаги бўлмиш ўзал баҳорга бўшатиб берди.

Бу фаслнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда бизнинг қадимги урф-одатларимиз ва аъналаримиздан асосийлари ўрин олган. Қолаверса, баҳорнинг илк кундаёқ, элимиз ардоғидаги шоира, шеърлари билан қалбларнинг туб-тубига кириб боровчи истеъдод соҳибаси Зулфияхонимнинг таваллуд кuni ҳам кенг нишонланади.

Бизнинг ТТАда ҳам бу сана ҳар йили ўзгача кайфият билан ўтказилади. Шу муносабат билан бу сафар ҳам аънага содиқ қолган ҳолда, олийгоҳимизда курслараро “Балли, қизлар” шiori остида миллий қадриятларимизни акс эттирган “Юртимиз дурдоналари” номли кўрик-танлови ўтказилди. Ушбу тадбирни ўзларининг мазмунли нутқлари билан очиб берган маънавият ва маърифат ишлари проректори профессор Т.А. Бобомуродовга ва бошқа барча ташкилотчи ва қатнашчиларга чин қалбимиздан ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.



Мазкур танловдаги шартлар кўҳна силсилаларимиз сарчашмасига ҳамоҳанг ҳолда қўйилган бўлиб, иштирокчилар 5 баллик тизимда баҳоландилар. Танловимизнинг 1-шартини қизиқарли танишув очиб берди. Унда қатнашчиларимиз турли тарзда ўз чиқишларини намойиш қилдилар. Сўнгра 2-шартда ҳар бир қиз ўз вилояти урф-одатларини намоён қилди, жумладан, ТТА Тиббий профилактика факультети 103-“А” гуруҳ талабаси Гулноза Шомансурова (Тошкент шаҳри) халқимизнинг миллий фольклор-этнографик қўшиқларини маромига етказган бўлса, 605-“Б” гуруҳ талабалари Раҳимова Гулширин (Бухоро вилояти), Турсунова Нигора (Наманган вилояти) ҳамда 204-“Б” гуруҳ талабаси Сафарова Маҳбуба (Тошкент вилояти) ўз диёрларининг хуштаъм таомлари-ю, дунёга донги кетган Наманганнинг Чуст пичоқлари ва ўзига хос театрлашган “Келин салом” сахна кўринишлари билан йиғилганларга завқ бағишладилар. 3-шарт “эркин мавзу” рукни остида бўлди ва ихтиёр қатнашчиларга берилди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Шомансурова Гулнозанинг бу шартга тайёрлаган шоира Зулфияхоним ҳақидаги маърузаси томошабинларда янада ўзгача таассурот қолдирди. Қолган қизларимизнинг ҳам тўқиш, тикиш ва сочи турмаклаш каби санъатлари ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Тадбиримиз ниҳоясида ғолибаларга шохсупадан турли ўринлар берилди: ТТА Тиббий профилактика факультети 103-“А” гуруҳ талабаси Шомансурова Гулноза бир овоздан фахрли 1-ўринни (Тошкент шаҳри), 204-“Б” гуруҳ талабаси Сафарова Маҳбуба (Тошкент вилояти) 2-ўринни, 605-

ва муносиб тақдирланишди. Сўнг факультетимиз декани Ф.И. Саломова сўзга чиқиб, қатнашчиларга илиқ тилаklarини билдирдилар, айниқса уларнинг ғолибамиз Шомансурова Гулнозанинг тиришқоқлиги ва ҳар бир ишни сидқидилдан бажариши ҳақида айтган сўзлари тўпланганларга ижобий намуна бўлди.

Ёш бўлишига қарамай, билим ва кўникмалари, ҳар бир ишни пухта ўйлаб, охиригача олиб бориши билан ғалаба қозонган талабамиз Шомансурова Гулноза Шоакбаровна 1994 йилнинг 7 август санасида Тошкент шаҳрида, хушфёъл, юмшоқ табиатли ва барчага бирдек яхшилик қилишдек фазилатлар билан дунёга келди. У ёшлигиданоқ кўплаб кўрик танловлар, бадий фестиваллар ғолибаси бўлиб келди. Унинг сахнани ҳис этиши ва ёш бўлса-да ўткир зехни, суҳандонлиги, сахналаштириш қобилияти барчани ҳайратга соларди. Бунга мисол тариқасида яқиндагина бўлиб ўтган ва томошабинлар-у ҳакамлар томонидан юксак баҳо берилган Алишер Навоий бобомизнинг таваллудига бағишланган ва айнан талабамиз Шомансурова Гулноза сахналаштирган бир нечта сахна кўринишларини келтиришимиз мумкин. Унинг тиббиётга бўлган қизиқиши ва иштиёқи уни ТошПИ қошидаги академик лицейга бошлади. У ерни 2010-2013 йилларда фахрли “имтиёзли диплом” билан тамомлади, бунда унга ўзидаги интилиш ва тинимсиз билим олиш хислатлари асқотди. Хужжатларини ТТАнинг Тиббий профилактика факультети ва Россиянинг Ломоносов номидаги университетнинг Ўзбекистондаги филиалига топширган талабамиз чет эл университетига қабул қилинганига қарамай ТТА жавобини кутишга қарор қилди. Бу ерда у 2014 йили ТТАнинг Тиббий профилактика факультетида Давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Шундан кейин у асосий мақсади, яъни тиббиёт фанлари билан шуғулланиш ҳамда Ўзбекистонга нафи тегадиган фарзанд бўлиш, буни эса айнан ТТАнинг Тиббий профилактика факультетидагина амалга оширишни дилига тугди. Бу орзу ва мақсадларини қатъиян қилиб тадбирда сўзга чиққанида улкан ҳаяжон билан барчага баён қилди.

Ҳа, қадрли ўқувчилар, биз бутун академиямиз билан бирга Шомансурова Гулнозадек Ватан равнақи учун жонини аямайдиган, меҳрибон талабаларимиз борлигидан фахрланамиз ва келгуси режаларида улкан омадлар тилаб, ўзимиз ҳам ундан намуна олишга ҳаракат қиламиз, зеро шу азиз Ватан барчамизники ...!

Шахзод ЖўРАЕВ,
ТТАнинг Тиббий профилактика факультети
101-“Б” гуруҳ талабаси



ФАРЗАНД САЛОМАТЛИГИДА ОТА-ОНАЛАР ТИББИЙ САВОДХОНЛИГИНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-2221-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда “2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили” муносабати билан Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети ва Тошкент шаҳар аҳоли репродуктив саломатлик маркази билан ҳамкорликдаги режасига асосан “БИЗ – СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ” шиори остида 2015 йилнинг 20 февраль куни факультет ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари ҳамда факультет курсантлари иштирокида “ФАРЗАНД САЛОМАТЛИГИДА ОТА-ОНАЛАР ТИББИЙ САВОДХОНЛИГИНИНГ ЎРНИ” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тошкент шаҳар аҳоли репродуктив саломатлик маркази ходимлари, тиббиёт фанлари номзоди, андролог-эндокринолог А.З. Акбаров ва акушер-гинеколог Н.Б. Исабекова “Фарзанд саломатлигида ота-оналар тиббий саводхонлигининг ўрни” ва факультет юрисконсулти А. Нуриддинова “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг аҳамияти” мавзулари бўйича ўтказилган давра суҳбатида факультет курсантлари ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари қатнашдилар. Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган “Никоҳланувчи шахсларни тиб-

бий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низом”нинг мазмун ва моҳияти, унинг аҳамияти тушунтириб берилди ҳамда тингловчиларнинг эътибори низомнинг асосий моҳияти—соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш, шунингдек, оналар ва болалар соғлигини ҳар томонлама мустаҳкамлашни таъминлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат эканлиги, никоҳланувчи шахсларни

маърузасида ҳам ушбу масалага алоҳида урғу бериб, жумладан 2014 йилда 133 та тиббиёт муассасаси янгитдан қурилгани ва реконструкция қилингани, касалликларни барвақт аниқлаш ва уларни самарали даволаш борасидаги амалий ишлар натижасида сўнгги ўн йилда ривожланишида туғма нуқсонлари бўлган болалар сони 1,3 баробар, 6-15 ёшли болалар орасида ўткир юқумли, бронхит ва сколиоз, пневмония билан касалланиш ҳолатлари сезиларли даражада камайганини эътироф этди. 2015 йилда таълим-тарбия ва тиббиёт муассасаларини янада ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бугунги кун талаблари асосида жиҳозлаш даражасини ошириш, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш, аҳолини сифатли ичимлик суви ва замонавий санитария тозалаш тизимлари билан таъминлаш каби мақсадлар учун давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимига 14,2 фоиз маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Тадбир иштирокчиларига долзарб мавзуларга оид шу каби кўплаб маълумотлар етказилди. Мазкур маълумотлар, олдинда турган муҳим вазифалар хусусида атрофлича фикр юритилган давра суҳбатининг кўргазмалари воситалар, интерфаол усуллардан кенг фойдаланиб, савол-жавоб, самимий мулоқот тарзида кечгани унинг янада қизиқарли ва мазмунли ўтишига хизмат қилди.

Абдуқаҳҳор ЗИЯДУЛЛАЕВ,
Ҳарбий-тиббиёт факультети Ўқув бўлими услубий хона мудири, доцент



кўрикдан ўтказиш соғлом оилани шакллантириш, ирсиятга боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олишда муҳим омил эканлиги ва жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар ва бошқа муҳим мавзулар бўйича фикр юритилди.

Таъкидлаш жоизки, республика-мизда аҳоли соғлигини сақлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 декабрида “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб, замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланилган ҳолда, ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан талабаларни инглиз тилига ўқитиш, шу тилда эркин сўзлаша оладиган тиббий мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Тошкент Тиббиёт академиясида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ана шу тадбирлар заминида клиник фанлар аро интеграцияни кучайтирган ҳолда тиббиётнинг долзарб мавзуларига қаратилган инглиз тилидаги муаммоли маърузалар ташкил этилиши, халқаро тажриба ютуқларидан ва дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланиш ва замонавий талабаларга жавоб бериш учун шарт-шароит яратди.

Шу мақсадда, 26 февраль куни Тошкент Тиббиёт академияси анжуман-

лар залида бутун дунёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам энг кўп тарқалган долзарб муаммо ечимига қаратилган—“Юрак ишемик касаллиги. Замонавий диагностика,

шиор остида бўлиб ўтди. Шунингдек, таъкидлаш керакки, муаммоли маъруза ўзига хос ташкиллаштирилган бўлиб, информатив ва кўргазмалилиги билан ажралиб турди. Биринчи

Интеграциялашган муаммоли маъруза

даволаш стандартлари. Профилактика тамойиллари ва хавф омиллари билан қарши курашиш. Беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш чора-тадбирлари” мавзусида етакчи мутахассислар: УАШТ ички касалликлар ва клиник аллергология кафедраси мудири, доцент Н.М. Нуриллаева, патология кафедраси мудири, профессор Х.З. Турсунов, факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси доценти, т.ф.д. У.Б. Беркиновлар томонидан инглиз тилида муаммоли маъруза ўтказилди. Интеграллашган муаммоли маъруза А. Шопенгауэрнинг “Nine tenths of our happiness depends on health” — “Бахтимизнинг ўндан тўққиз қисми саломатликка боғлиқ” номли

навбатда қатнашчилар эътиборини анжуманлар залининг кириш йўлакларидagi юрак ишемик касаллигининг профилактикаси, патоморфологияси ва жарроҳлик йўли билан даволаш замонавий усулларига доир кўргазмалар баннерлар жалб этди. Шунингдек, маърузага ташриф бу- юрган Кардиология ва УАШ қайта тайёрлаш марказлари аъзолари, профессор-ўқитувчилар, магистр ва талабаларга мавзуга доир маҳаллий ва хорижий адабиётлар, кафедрада чоп этилган ўқув-услубий қўлланмалар ва кейс-стадилар кўргазма тарзида тақдим этилди. Маъруза бошланишидан аввал барчага тарқатилган юрак ишемик касаллигининг

асосий хавф омиллари ва уларни бошқариш ҳамда курашиш йўллари каби маълумотларни мужасамлаштирган брошюралар қатнашчилар томонидан қизиқиш билдирилиб, ижобий баҳоланди. Маърузани Н.М. Нуриллаева очиб бериб, юрак ишемик касаллигини кенг ёритиб берди. Х.З. Турсунов маърузани давом эттириб, атеросклерознинг замонавий патогенези ва ЮИК асоратлари патоморфологиясига урғу берди. Юрак-қон томир жарроҳлиги тарихи, замонавий диагностика ва даволаш усуллари ҳақида У.Б. Беркинов томонидан маълумот берилди. Маъруза якунида қатнашчиларга интерактив тарзда тақдимот кўринишида клиник вазиятлар ҳавола этилди. Магистр ва талабаларнинг инглиз тилида эркин жавоб бериши ва айниқса маърузачиларга савол беришдаги фаол иштироки ташкилотчилар томонидан ижобий қабул қилиниб, муносиб тақдирланди. Республика Кардиология илмий марказидан таклиф этилган меҳмон А.Г. Никишин сўзга чиқди ва ЮИК долзарб муаммоларининг ечимига замонавий тарзда урғу берилганини таъкидлаб, тадбир ташкилотчиларини ва қатнашчиларини юқори даражада баҳолади.

Ф.Б. АБДУМАЛИКОВА,
Даволаш факультетининг УАШ тайёрлаш ва клиник аллергология кафедрасининг ассистенти

